

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.03/30.12.2019.FIL.05.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЭРҒАШЕВ МУҲАММАДЖОН РАҲМОНОВИЧ

**СИЁСИЙ ДИСКУРСДА ҚЎЛЛАНУВЧИ БОҒЛОВЧИ
ФЕЪЛЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК ТАДҚИҚИ**

10.00.11-Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ФАРҒОНА – 2020

УДК:

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

ЭргашевМуҳаммаджонРаҳмонович

Сиёсийдискурда қўлланувчи боғловчи феълларнинг функционал-
семантик тадқиқи

..... 3

Ergashev Muhammadjon Rahmonovich

The functional-semantic investigation of linking verbs used in political
discourse

..... 27

ЭргашевМуҳаммаджонРаҳмонович

Функционально-семантическое исследование глаголов – связок,
используемых в политическом
дискурсе.....

..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 53

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.03/30.12.2019.FIL.05.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЭРҒАШЕВ МУҲАММАДЖОН РАХМОНОВИЧ

**СИЁСИЙ ДИСКУРСДА ҚЎЛЛАНУВЧИ БОҒЛОВЧИ
ФЕЪЛЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК ТАДҚИҚИ**

10.00.11-Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ФАРҒОНА – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD//Fil.63 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қўқон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.tashgiv.uz ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қўлдошев Ақром Махмудович
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Набиева Дилора Абдулхамидовна
филология фанлари доктори, профессор

Умарова Наргизахон Рустамовна
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.fil.05.02 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100151, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19, Тел: (0573) 244-44-29; факс: (0573) 244-44-91; e-mail: fardu_info@umail.uz) Диссертация билан Фарғона давлатуниверситети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган).(Манзил: 100151, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19, Тел: (0573) 244-44-94

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси).

А.А. Қосимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

И.Т. Хожалиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н., доцент

А.М. Мамажонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.

Жаҳон тилшунослигида етакчи ҳисобланган антропоцентризм парадигмаси доирасида барча тил бирликларининг функционал-семантик ва когнитив-концептуал тадқиқи кенг ҳажмда амалга оширилмоқда. Шу нуқтаи назардан тилшунослар олимлар феълга хос функционал вариантлардан бири ҳисобланган боғловчи феълларнинг инсон томонидан дунёни билиш вазифасини бажаришдаги ўзига хос ролини ўрганишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жаҳоннинг қатор етакчи мамлакатларида расмий равишда таълим соҳасида, илм-фан, матбуот, интернет, радио, телевидение, расмий ҳужжатлар, бизнес ва санъат, жамоат ташкилотлари фаолияти ўз она тиллари қатори инглиз тилида ҳам юритилиши йўлга қўйилган бўлиб, бу ҳол инглиз тилининг ҳар томонлама тараққий этиши, қолаверса, эмпирик-функционал чегаралари янада кенгайиши учун қулай шарт-шароитлар яратади.

Дунё тилшунослигида, функционал жиҳатдан ривожланган барча тилларда гап структурасида кесимни шакллантирувчи тил бирликлари – боғловчи феъллар синтактик хусусиятларининг дискурсда қандай намоён этилишига тилшунослар қизиқиш билдирмоқдаларки, бу жиҳат дискурсда тил унсурларининг фарқли функционал юктамаларига тааллуқли сабаб ва омилларни ўрганиш зарурияти билан боғлиқ.

Ўзбекистонда тилшунослик соҳасидаги тадқиқотларда боғловчи феъллар масаласининг семантик-стилистик хусусиятлари анъанавий тилшунослик доирасида турли мактаб вакиллари томонидан ўрганиб келинди вабунда асосан структур-семантик, функционал характеристика йўналиши устунлик қилди. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, бугунги кунда сиёсий дискурсда қўлланган боғловчи феъллар функцияларининг тизимли таҳлили алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ҳамда инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»¹ масалаларининг устувор стратегик йўналиш сифатида белгилаб қўйилиши тилшунослик соҳасида кенг қўламли илмий изланишлар олиб боришни, соҳага оид ўқув-методик қўлланмалар яратиш ишларини янги босқичга олиб чиқди. Бу босқичда боғловчи феълларнинг сиёсий дискурсдаги функционал-семантик хусусиятларини муайян тиллар мисолида тадқиқ этиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 124-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони// Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль. – № 28.

Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4797-сон Фармони, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳақида»ги Президент Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш ҳақида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 августдаги «Таълим муассасаларида чет тилини ўқитишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақида»ги Қарори, 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармонида ҳамда мазкур соҳа бўйича қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дискурс, жумладан, сиёсий дискурснинг мазмун-моҳияти, мақсади, нутқдаги вазифаси ва ўзига хос хусусиятлари, белгилари, коммуникатив ва функционал параметрлари Н.Д.Арутюнова, Е.И.Шейгал, И.Ф.Ухванова, В.З.Демьянков, В.И.Карасик, С.Е.Кунцевич, Е.Е.Чижевская, М.Г.Пыжова, Н.Г.Юзефович каби ғарб ва рус тилшунос олимлари тадқиқотлари² да ўрганилган. Мазкур тадқиқотларда асосий эътибор сиёсат вакиллари томонидан нутқор қабул қилувчи шахслар (тингловчилар) да ният, ишонч уйғотиш ва уни ҳаракатга ундаш самарадорлигига қаратилган.

Сиёсий дискурс масаласи тилшуносликда назарий жиҳатдан ўрганилган бўлса-да, унинг шаклланиши боғловчи феъллар иштирокисиз тўқис эмаслиги кузатилади. Шу нуқтаи назардан қаралганда, сиёсий дискурсда қўлланувчи

² Арутюнова Н.Д. Дискурс // Лингв. энциклоп. словарь. – Москва: Сов. энцикл., 1990. – С. 136–137; Шейгал Е.И. Семиотика политического дискурса: Дисс. ... д-ра филол. наук: 10.02.01. – Волгоград, 2000. – 201 с.; Ухванова И.Ф. Смысловые и существенные параметры политического дискурса в фокусе внимания исследователя // Язык и социум: материалы II Междунар. конф. – Минск, 1998; Демьянков В.З. Политический дискурс как предмет политического филология // Политическая наука. Политический дискурс: История и современные исследования. – М., 2002. – №3. – С.32–43; Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. – Волгоград: Перемена, 2002. – 477 с.; Кунцевич С.Е. Психологические аспекты политического дискурса // Вестник Минского гос. лингвист. ун-та. Сер. I, Филология. – 2005. – № 4 (20). – С. 37–50; Чижевская Е.Е. Дискурс политика // Методология исследования политического дискурса: Актуальные проблемы содержательного анализа общественно-политических текстов: сб. науч. трудов // Белгосуниверситет; под общ. ред. И.Ф. Ухвановой–Шмыговой. – Вып. 1. – Минск, 1998. – С. 161–170; Пыжова М.Г. Аргументация, убеждение и коммуникация // Стратегии коммуникативного поведения: материалы докладов междунар. науч. конф. Минск, 3–4 мая 2001 г.: в 3 ч. // Минский гос. лингвист. ун-т; редкол.: Д.Г. Богушевич [и др.]. – Минск, 2001. – С. 131–134; Юзефович Н.Г. Политический дискурс и межкультурное общение // Интерпретация. Понимание. Перевод: сб. науч. ст. // Санкт-Петербургский гос. ун-т экономики и финансов; отв. ред. В.Е. Чернявская. – Санкт-Петербург, 2005. – С. 231–240.

боғловчи феълларнинг функционал-семантик тадқиқитилшуносликда янги ёндашув, назария ва тадқиқотларни тақозо қилади. Чунки боғловчи феъллар, уларнинг дискурсив хусусиятлари ва бу борадаги функционал-семантик имкониятлари таҳлили кам ўрганилган муаммолардан саналади.

Ҳинд-Европа тилларида боғловчи феълларнинг маъно хусусиятларини ўрганиш ва уларнинг функционал-семантик тадқиқи борасида маълум даражада ишлар бажарилган. Инглиз тили грамматикаси, шу жумладан, боғловчи феълларнинг грамматик имкониятларини аниқлаш ёки уларни таржима қилиш бўйича Э.Ф.Скороходько, В.И.Тархов, Л.С.Бархударов, Н.Н.Болдырев, Л.А.Богданова, И.Н.Меркулова, Л.А.Панасенко, Т.Н.Голицина, Д.М.Валиева, Ф.Г.Гусейнов, Н.Ю.Бессонов, М.Н.Усмонова, Н.Р.Каримова ва бошқа рус тилшунослари илмий тадқиқотлар³ олиб борган бўлса, Европа тилшунослигида эса З.Фрайзингер, К.Хенгвелд, У.А. Крофт, Т.Гивонларнинг тадқиқотлари⁴ да боғловчи феъллар масаласи ёритилган.

Бу ҳодиса фрагментар тасвирда ўзбек тилшунослиги доирасида А.Ҳожиёв, Ҳ.Юсуфхўжаева, Р.Расулов, Ў.Шарипова, С.Мухамедова, М.Содиқова, Т.Мусаев, И.Қўчқортоев, М.Аъламова, А.Ғуломов, М.Асқарова, Ш.Раҳматуллаев, Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, Р.Дониёров, Ҳ.Шамсиддинов, С.Акбаров, О.Усмон, Н.Долимовларнинг грамматикага доир тадқиқотлари⁵ да ўрганилган.

³Болдырев Н.Н. Функциональная категоризация английского глагола: Дисс. ...д-ра филол. наук: 10.02.04. – СПб., 1996. – 445с.; Богданова Л.А. Структура и семантика глагольно-именных сочетаний типа "tobecomeateacher; togrowold": Автореф. дисс. ... канд. филол. наук: 10.663. Моск. гос. пед. ин-т ин. яз. им. М.Тореза. – М., 1970. – 32с.; Меркулова И.Н. Категория функционально-связочных глаголов в современном английском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тамбов, 2004. – 24с.; Панасенко Л.А. Функциональная роль и категоризация глагола в современном английском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук: 10.02.04. Тамбов, гос. ун-т им. Г.Р. Державина. – Тамбов, 2000. – 21с.; Голицина Т.Н. Служебные связочные глаголы русского языка и их полнозначные соответствия: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук: 10.02.01. Воронеж, гос. ун-тим. Ленин комсомола. – Воронеж, 1983. – 21с.; Валиева Д.М. Система связочных глаголов: Дисс. ... канд. филол. наук. – Пермь, 2005. – 154с.; Гусейнов Ф.Г. Связочные глаголы в английском языке и их соответствия в азербайджанском языке: Дисс. ... канд. филол. наук: 10.02.04. – М., 1980. – 172с.; Бессонов Н.Ю. Конструкции с каузативными глаголами-связками в английском и украинском языках: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук: 10.02.20. – Донецк, 2017. – 75с.; Усмонова М.Н. Глагол-связка в таджикском и английском языках: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук: 10.02.20. – Душанбе, 2016. – 69с.; Каримова Н.Р. Связочные глаголы английского языка и их соответствия в узбекском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук: 10.663. Моск. гос. пед. ин-тим. В.И. Ленина. – М., 1970. – 28с.

⁴Frajzynger Z. Motivation for Copula in Equational Sentences. A thesis submitted in conformity with the requirements for the degree of Doctor of Philosophy – University of Amsterdam Amsterdam, 1999; Hengeveld K. Non-verbal predication. A thesis submitted in conformity with the requirements for the degree of Doctor of Philosophy – Berlin-New York, 1992; Croft W.A. Verbs: Aspect and Argument Structure. A thesis submitted in conformity with the requirements for the degree of Doctor of Philosophy. – Manchester, Leipzig, 2000. – 172p; Givon T. Serial Verbs and the Mental Reality of "Event": Grammatical vs. Cognitive Packaging. A thesis submitted in conformity with the requirements for the degree of Doctor of Philosophy. – Amsterdam/Philadelphia: John Benjamins, 1991. – P. 1-127.

⁵Ҳожиёв А. Тўлиқсиз феъл: Филол.фан.д-ри...дисс. – Тошкент, 1968. – Б.78; Юсуфхўжаева Ҳ. Ўзбек тили изоҳли луғатида феъл формаларининг лексикографик таҳлилига доир: Филол. фан. номз....дисс. – Тошкент, 1975. – Б.39; Расулов Р. Глаголы состояния в узбекском языке и их валентность: Дисс....д-ра филол.наук. – Ташкент, 1989.–363с.; Шарипова Ў. Ўзбек тилидаги юмуш феълларининг маъно валентликлари: Филол.фан.номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 1996. – Б.19; Мухамедова С. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари: Филол.фан.д-ри...дисс.–Тошкент, 2007.–325б.; Содиқова М.С. Ҳозирги ўзбек адабий тилида феъл стилистикаси (семантик аспектда): Филол.фан.д-ри...дисс. – Тошкент, 1991.–288б; Мусаев Т. Ўзбек тилида сезги феъллари: Филол.фан.номз....дисс.–Тошкент, 1992. –116б.

Қайд этилган манбалар сиёсий дискурсга хос боғловчи феълларнинг функционал-семантик тадқиқига оид назарий ҳамда мазкур тил бирликлари хусусиятларини ўрганишда муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Шунга карамай, ҳозиргача боғловчи феълларнинг сиёсий дискурсдаги функционал-семантикхусусиятларимахсус монографик планда тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълиммуассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Кўқон давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Баркамол авлодни тарбиялашда ўрта умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида инглиз тилини ўқитиш муаммолари” йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади боғловчи феълларнинг сиёсий дискурсда намоён бўладиган функционал-семантик хусусиятларини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

боғловчи феълларнинг ўрганилаётган тиллардаги сиёсий дискурсда концептуализациялаш муаммосини ўрганиб чиқиш;

боғловчи феълларнинг қиёсий таҳлили асосида сиёсий дискурсда уларнинг функционал-семантик имкониятларини фарқлаш;

сиёсий дискурсда турли тизимли тилларга мансуб боғловчи феъллар мазмуний гуруҳларининг категориал-функционал имкониятларини ўрганиш;

сиёсий дискурсдаги боғловчи феълларнинг бошқа феъл маъно гуруҳларига муносабатини семантик-структуравий таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида сиёсий дискурсда қўлланилган боғловчи феъллар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети сиёсий дискурсда қўлланиладиган боғловчи феълларнинг функционал-семантик жиҳатлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари: диссертация ишида анъанавий тавсифий, қиёсий-типологик, структуравий, функционал-семантик, семантик-категоризациялаш, кросс-маданий таҳлили каби усул ва методлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сиёсий дискурсдаги боғловчи феълларнинг функционал жиҳатдан барча сиёсий-публицистик матн турларида қўлланилиши ва боғловчи феъллар билдираётган маъно кўлами доирасида уларнинг кенг ёки торроқ ишлатилиши каби фарқли томонлари очиб берилган;

ўрганилаётган тиллар материали асосида сиёсий дискурсда қўлланилган боғловчи феълларнинг контекстуал-семантик хусусиятлари тавсифланган;

тадқиқ этилаётган тиллар сиёсий дискурсида ишлатилган услубий жиҳатдан фаолҳисобланмоқ, саналмоқ, дейилмоқ, қилмоқ, этмоқ, эди, экан, эмиш каби боғловчи феъллар аниқланган;

боғловчи феълларнинг субъектив ҳаракат феъллари билан комбинаторикаси жараёнидаги семантик, дискурсив, акс эттириш, ифодалаш, кучайтириш, боғлаш каби потенциал имкониятлари ёритиб берилган;

ўрганилаётган тиллардаги боғловчи феълларнинг майдон сифатидаги ядро(марказ) ва периферикчегаралари аниқланган ҳамда боғлаш, лексик маънони шакллантириш, предикативликни таъминлаш функцияси асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сиёсий дискурсдаги боғловчи феълларнинг функционал имкониятлари ҳамда семантикхусусиятларини ўрганиш орқали нутқ, сиёсий нутқ самарадорлиги кўрсатиб берилган;

боғловчи феълларнинг сиёсий дискурсдаги ўзига хос ва ўхшаш жиҳатлари, шунингдек, буфеълларнинг гап қурилишини семантик ва грамматик жиҳатдан идрок этишда муҳим амалий аҳамиятга эга эканлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ҳамда илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инглиз, рус ва ўзбек тилларининг қиёсий грамматикаси бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш, монографиялар, диссертациялар ва мақолалар ёзишда илмий асос бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Диссертациянинг амалий аҳамиятиинглиз, рус ва ўзбек тиллари, умумий тилшунослик бўйича дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-услубий тавсиялар, луғат ҳамда сўзлашгичлар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сиёсий дискурсда қўлланувчи боғловчи феълларнинг функционал-семантик тадқиқи бўйича олиб борилган илмий тадқиқот асосида:

антропоцентризм парадигмаси доирасида шаклланган ва ривожланган когнитив тилшунослик соҳасидаги лингвистик ҳодисаларнинг дискурс, хусусан, сиёсий дискурс ҳақидаги маълумотлардан Қўқон давлат педагогика институтида “Ўзбекистонда 2004-2009 йилларга мўлжалланган мактаб таълимини ривожлантиришнинг умуммиллий давлат дастурининг бажарилишига муҳим ҳисса қўшиш”, дастурлар доирасида 2007-2008 йилларда бажарилган № ХИД-1-29 “Ўзбекистон олий ўқув юртларининг нофилологик факультетларида бакалавр йўналиши учун немис тили фанини ўқитишда янги педагогик технологияларни татбиқ этишга оид дарсликни яратиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг 2019 йил 22-октябридаги 89/03-4092-сон маълумотномаси). Натижада сиёсий дискурсда қўлланилган боғловчи феълларнинг функционал жиҳатдан ўхшаш ва фарқли томонларини очиб

бериш масалалари, ўрганилаётган тиллардаги боғловчи феъллар табиати, уларнинг дискурсда воқеланиш усуллари ва хусусиятлари муаммоларини ечиш учун асос бўлиб хизмат қилган;

боғловчи феълларнинг лингвомаданий ва контекстуал, функционал-семантик ва категориал хусусиятларини тизимли таҳлил қилиш масалаларидан, боғловчи феъллар ва умумий боғловчи феълларнинг сиёсий дискурсда шаклланадиган семантик-стилистик ва категориал функционал имкониятлари ҳақидаги илмий хулосаларидан 2015-2018 йилларда бажарилган ModeHED-“Институт ва университетларда соғлиқни сақлашга оид фанларни модернизациялаш” номли ҳамда 2016-2019 йилларда бажарилган 574097-EPP-1-2016-1-CY-EPPKA2-SBHE-JP рақамли “RUECVET: “Пилотирование Европейской системы перевода зачетных единиц (кредитов) для профессионального образования и обучения (ECVET) в национальных системах профессионального образования и обучения России и Узбекистана (2016-2019 г.г)” номли халқаро лойиҳаларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг 2019 йил 22-октябридаги 89/03-4092-сон маълумотномаси). Натижада боғловчи феълларнинг ясалиши, уларнинг бошқа феъллардан алоҳида жиҳатлари ва тиллардаги бундай феълларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари ҳақида маълумот беришда фойдаланилди.

боғловчи феълларнинг сиёсий дискурсдаги функционал-семантик тадқиқига бағишланган таҳлилий фикрлари ва назарий хулосаларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан тайёрланган «Бедорлик» туркуми радиоэшиттиришларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбекистон» телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2019 йил 19 октябрдаги О'з/Р-1-186-сон маълумотномаси). Натижада радиотингловчиларга тилларда мавжуд боғловчи феълларнинг структураси ва уларнинг сиёсий дискурсдаги функционал-семантик жиҳатлари, бундай феълларни бошқа феъллардан фарқлашда муҳим аҳамият касб этиши радиоэшиттириш давомида асослаб берилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 144 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмидатадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Дискурсни шакллантирувчи тил унсурларини функционал-семантик тадқиқ қилишнинг назарий асослари**» номли биринчи бобида, турли тизимли тилларда боғловчи феълларнинг сиёсий дискурсдаги ўрни, боғловчи феълларнинг гапда предикативликни ифода қилиш компетенцияси ва мустақил сўз туркумлари категориясига ўтиши масаласибаён қилинади.

Тилда оғзаки мулоқотнинг аҳамияти масаласи кўплаб ўзбек ва хориж тилшунослари тадқиқот объектига айланган, чунки бу муаммо жумланинг синтактик тузилиши ва, умуман, таркибида от бўлган синтактик қурилмалардаги боғловчи унсурларнинг сиёсий дискурсдаги роли ва аҳамияти ҳақидаги масала билан боғлиқ. Олинган натижалар, шубҳасиз, тил таркибий тузилишини ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозирги замон тилшунослигида феълнинг синтактик боғланиш имкониятлари муаммосига бағишланган илмий тадқиқотларда ҳали тасдиғини топмаган айрим масалаларга ечим топиш мақсадида уларнинг умумлаштирилган таҳлилига оид маълумотлар берилди.

Предикат ўрнида грамматик жиҳатдан замон, майл ва бошқа муносабат шакллари ифодалай олмайдиган номинатив лингвистик бирлик (от) ишлатилса, предикатив функцияни ифодалаш учун грамматик жиҳатдан анъанавий равишда боғловчи ёки копулятив деб аталувчи "хаёлий, сохта феъл" яратилади⁶. Отли қурилмалардаги боғловчи феъл элементини ифодалаш учун тилшуносликка оид адабиётларда “боғлама” ва “копула”, “боғловчи феъл” ва “копулятив феъл” каби терминлар қўлланганлиги кузатилади.

Ўзбек тилидаги илмий адабиётларда “боғловчи феъл” термини ўрнида асосан “боғлама” атамаси ишлатилади. Тилшунос олим Ғ. Абдурахмонов таърифига кўра, “**боғлама** ёрдамчи сўз вазифасидаги бўлак бўлиб, кесимнинг маъносига, эганинг семантик ҳамда грамматик хусусиятига оид кўшимча грамматик маъноларни (шаҳси, замони, сони ва бошқаларни) ифодалайди”⁷. Б. Менглиев боғламалар сирасини қуйидагича тавсифлайди: “Кесимни шакллантирувчи ва уни эга билан боғловчи кўмакчи феъл, тўлиқсиз феъл (*эди, экан, эмиш*) ва шунингдек, *бўлмоқ, ҳисобланмоқ, саналмоқ* каби вақтинча луғавий маъносини йўқотган айрим мустақил сўз,

⁶ Кубрякова Е.С. Язык и знание: На пути получения знаний о языке: Части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познании мира // Рос. акад. наук, Ин-т языкознания. – М : Языки славянской культуры, 2004. – 560с.

⁷ Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи нашриёти, 1973. – Б. 257.

керак, лозим, зарур, шарт, даркор каби модал маъноли сўз боғлама дейилади”⁸.

Ушбу масала бўйича ўқув дарсликларида ҳам атрофлича тўхталиб ўтилган ва бу атама шундай изоҳланган: “Асл мустақил маъносини тўла ёки қисман йўқотиб, ёрдамчи вазифага кўчган, феъл бўлмаган сўзларга қўшилиб, кесимни шакллантирувчи, яъни майл, замон, шахс-сон маъноларини ифодаловчи кесим билан эгани боғлашга хизмат қилувчи *бўл-, эди, экан, эмиш, ҳисоблан-, сана-*, каби ёрдамчилар шунингдек, *керак, зарур, даркор, лозим* сўзлари **боғлама** дейилади”⁹.

Г.Н.Лич фикрича, S + Vcop + Compl тузилишидаги гапларнинг таркибий схемаси одатий пропозициядан иборат. Бунда S субъект, Vcop – боғловчи феъл, Compl комплемент субъектни тавсифловчи (отлашган сифат ёки от). Комплемент деганда предикатив тўлдирувчи тушунилади. Бу предикат таркибини "тўлдириш" учун зарур¹⁰.

Инглиз тилидаги феълларнинг функционал типологияси:

Ф Е Ў Л



А.А.Потебня фикрига кўра, боғловчи феъл «ўзида предикатив боғланишни ўз ичига олган алоҳида сўздир, бироқ у ўзича эмас, балки атрибутни эгага қўшувчи воситадир»¹¹, яъни шу билан у формал, грамматик маънога эга.

Боғловчи феъл ҳақидаги шунга ўхшаш тасаввур Д.М.Валиева тадқиқотларида ҳам учрайди. У боғловчи феълни «бир гап таркибидаги

⁸ Менглиев Б., Холиёров Ў. Ўзбек тилидан универсал қўлланма. – Тошкент: Фан нашриёти, 2008. – Б. 250.

⁹ Қодиров М., Неъматов Х., Абдураимова М., Сайфуллаева Р. Она тили. Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфи учун дарслик. – Тошкент: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2014. – Б. 64.

¹⁰ Leech G.N. Meaning and the English verb 3rd edition// G.N. Leech. -Routledge, 2014. – 152 p.

¹¹ Потебня, А.А. Полное собрание трудов: Мысль и язык. – М: Лабиринт, 1999. – 300 с.

бўлакларнинг ўзаро боғланишига хизмат қилувчи» ёрдамчи сўз деб ҳисоблайди¹².

Эга билан кесим орасидаги мантиқий муносабатларни ифодаловчи боғловчиларни алоҳида юкламалар тоифасига ажратиш баробарида Л.В.Попова, уларга турли хилдаги грамматик муносабатларни ифодаловчилар вазифасини юклаган ҳолда, уларнинг мустақил моддий маънони ифодалашини рад этади¹³. Анъанавий ёндашув боғловчи феълнинг асосий грамматик вазифаси бўлиб, унга кўра сўзларни бир-бирига боғлашга хизмат қилади.

Худди шундай қарашлар ўзбек ва хориж тилшуносларининг кейинги тадқиқотларида ривожлантирилган. Боғловчи феълни Дж.Лайонз фиктив, яъни “сохта” дея уни семантик жиҳатдан бўш бирлик деб ҳисоблайди ҳамда «боғловчи – бу лексик бирлик эмас, балки соф грамматик «фиктив» феъл бўлиб, замон ва майлга ишора қилувчи бўш бирлик бўлиб хизмат қилади», бунда бўш бирлик деганда Дж.Лайонз юзаки структура элементини тушунади ва унга бирор бир синтактик белгининг моддий кўрсаткичи «бириктирилади»¹⁴.

Боғловчи феъл тилнинг грамматик қоидалари асосида маълум (асосий феълдаги) белгиларни ифодалаш учун қўлланилади. Гап таркибида ўзида шу белгиларни ифодаловчи феъл элементи мавжуд бўлмаган тақдирда, боғловчи феъл бу белгиларни ифодалаш мумкин. Боғловчи феълнинг моҳиятини шу тарзда англаш К.Хенгевелднинг от кесимга бағишланган типологик монографияси, ҳамда грамматик ва лингвистик терминлар луғати¹⁵ да кузатилади.

Юқорида келтирилган боғловчи феъл ҳақидаги таърифлар тилшуносларнинг мазкур тил бирлиги асосан синтагма таркибини тузиш, эга билан от кесим ўртасидаги грамматик муносабатни ифодалаш мақсадларига хизмат қилувчи гапнинг грамматик таркибий қисми тарзида намоён бўлишини тан олишларидан далолат беради. Шунга кўра мазкур диссертацияда биз боғловчи феълнинг қуйидаги таърифини ишчи таъриф сифатида ишлаб чиқдик:

Боғловчи феъл феълнинг функционал варианты бўлиб, лексик маъносини тўлиқ ёки қисман йўқотиб, функционал жиҳатдан тилдаги от ёки отлашган тил элементларининг нутқда бир-бирига предикативлик муносабати орқали боғланишини таъминлашга хизмат қилувчи тил бирлигидир. У феълнинг барча грамматик, семантик ва функционал хоссаларини ўзида мужассамлаштиради.

Боғловчи феъллар тилда қуйидаги бир қатор умумий грамматик хусусиятларни намоён этади:

№	Боғловчи феъл (Vcop) ларнинг умумий хусусиятлари
---	--------------------------------------------------

¹²Валиева Д.М. Система связочных глаголов: Дисс. ... канд. филол. наук. – Пермь, 2005. – 154 с.

¹³Попова Л.В. Связка в грамматической системе русского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - Архангельск, 2013. – 43 с.

¹⁴Лайонз Дж. Введение в теоретическую лингвистику // Пер. с англ. В.А. Звезгинцева. – М.: Прогресс, 1978. – 544 с.

¹⁵Hengeveld K. Non-verbal predication / K. Hengeveld. - Berlin-New York, 1992. -144 p

	Тавсиф	Қолип (модел)
1	Боғловчи феъл мустақил маънога эга эмас	Vcop LM _{ga ega emas}
2	Боғловчи феъл ўзига хос ҳаракат билдира олмаса-да, феълларга хос бўлишсизлик, даража(нисбат), замон каби маъноларга ва бу маънони ифодаловчи шаклларга эга бўла олади	Vcop(LM _{ga ega emas}), лекин V _{га хос} [V _{negative} , V _{voise} , V _{tense}]M _{gaega}
3	Боғловчи феъллар асосий феъл шакллари билан бирикканда, асосий феъл шаклига мос маъно маълум даражада сақланади	[V cop F]+ NV = NVM _{qisman saql}
4	Боғловчи феъл билдирган маъно фақат бир сўзга эмас, балки конструкциянинг характериға караб, бутун бирикмага ёки гапга оид бўлиши мумкин	VcopM → [Vb, S] _{ga oid}
5	Боғловчи феъл шакллари отларга ҳам, феълларга ҳам бирика олади	VcopF → [N va V]
6	Боғловчи феъл шакллари бир неча кесим учун бир ўринда(охирги кесим таркибида) қўлланилиши мумкин	P1, P2...P _{end} [VcopF]
7	Боғловчи феъл билан ҳосил бўладиган феъл шакллари юзага келиши тил учун одатий ҳолдир	L _{da} [VcopF] _{odatiy hol}
Изоҳ	Vcop-боғловчи феъл, LM-луғавий маъно, V _{negative} -бўлишсизлик, V _{voise} - нисбат, V _{tense} - замон, NV - асосий феъл, N - от, V - феъл, P- кесим, P _{end} - охирги кесим, VcopF - боғловчи феъл шакли	

Боғловчи феълларнинг яна бир эътиборга молик жиҳати, уларнинг сиёсий дискурда кенг ва ҳар томонлама қўлланилишидир. Ҳақиқатан ҳам, бу каби феъллар машҳур давлат ва сиёсат арбоблари томонидан фаол ишлатилади. Бу эса сиёсий дискурда боғловчи феъллар алоҳида функционал-семантик моҳиятга эга эканлигини кўрсатади.

Замонавий тилшуносликда “дискурс”, “сиёсий дискурс” термини мутахассислар томонидан кенг қўлланила бошланди. Аввало, бу тушунчанинг қачон, қаерда пайдо бўлганлиги ва қандай маънони англатиши ҳақида тўхталиш зарур.

Дискурсўтганасрнингўрталаридафранцузтилидан кирибкелган. Тилшуносликда дискурс атамаси пайдо бўлганидан кейин тилшунослар орасида дискурс ва матн ўртасидаги фарқни топишга уринишлар бошланиб кетди. Аслида дискурс билан матнни бир-бирдан ажратишнинг тўлиқ имкони йўқ.

Профессор А.Мамажонов назарий жиҳатдан матн доирасини қуйидагича белгилайди: “Тилшуносликда “матн” атамаси асосан бир-бирдан фарқланувчи икки синтактик бирликни ифодалаш учун хизмат қилади: бир маънода “матн” атамаси остида икки ёки бир неча нисбий мустақил гаплардан ташкил топган, тугалланган фикр англатувчи нутқ кўриниши тушунилса, иккинчи бир маънода бутун поэтик ёки прозаик асар, газета ёки журнал мақоласи, илмий доклад, реферат ёки монография каби ёзма нутқ кўринишлари, баъзан бир бутун асарнинг боблари, бўлимлари, қисмлари ва уларни ташкил этувчи абзацлар маъноси англашилади”¹⁶.

Н.Д.Арутюнованинг фикрича, дискурсни “матн+вазият”, яъни матн яратилган вазият ташкил этади, матнни эса “дискурс – вазият”, яъни

¹⁶ Мамажонов А., Абдупаттоев М. Матн назарияси. Ўқув-услубий қўлланма. – Фарғона: “Водил принт” хусусий корхонаси, 2016. – Б. 15.

дискурдан вазиятнинг олиб ташланиши юзага келтиради. Дискурс – мақсадгаўналтирилгани жтимоий ҳаракатлардан нутқ, шунингдек, тадқиқотчилар томонидан тиламалӣ тининг мураккаб бирлиги ва эксперименталомиллар сифатида ҳам талқин этилади¹⁷.

Қисқача айтганда, дискурс нутқ ва мулоқот демакдир. Тилшунос олим М.Э.Умархўжаевнинг мулоқот одоби, нотиклик маданияти ҳақида қуйидаги фикрлари диққатга сазовор: “Мулоқот – суҳбатбахамжихат куриладиган бино... нимани гапириш ҳар доим ҳам муҳим бўлавермайди, қандай гапириш эса доим муҳимдир”¹⁸.

Профессор М.Ҳакимов ўз тадқиқотида дискурснинг бир бўлаги – гапдан англашилган мазмун билан субъект муносабати, шунингдек, тилшунослик ва социология фанларининг туташ нуктасида тилнинг жамият ҳаётига таъсири муҳим эканлигини таъкидлаб ўтган¹⁹.

Демак, дискурс абстракт тушунча бўлиб, нутқ яратиш учун зарур бўлган шарт-шароитлар ва нутқ иштирокчиларини англатади, шунингдек, оғзаки ва ёзма нутқнинг айрим ҳолатларида қўлланиладиган тилдир. Қолаверса, дискурс кенг тушунча сифатида матн, нутқ ва уларнинг шаклланиши, ифодаланиши, таъсирчанлиги ва самарадорлигида муҳим рол ўйнайди. Бу борада сиёсий дискурс ўзига хос жиҳатлари билан бошқа дискурс шаклларидан ажралиб туради.

Рус тилшуноси И.Ф.Ухванова-Шмыговасиёсий дискурснинг маънавий-маърифий тадқиқотлари, умуман, замонавий сўзлашувда аайниқса, сиёсий мунозарада муҳим маълумотни бериши мумкинлигини таъкидлайди²⁰. Сиёсий дискурсга хос бўлган белгиларни аниқлаш, шунингдек, сиёсий нутқнинг тарихий в амиллий ўзига хос хусусиятларини, муайян услубларнинг гузлуксизлигини, турларини, алоқашакларини, таркибий қисмларини аниқлаш керак. Шундай қилиб, сиёсий дискурс ни ўзяхлитлиги билан изоҳлашни фақат тилшунослик билан чеклаш мумкин эмас, акс ҳолда сиёсий дискурснинг мазмуни ва мақсади кўзгаташланмайди.

Сиёсий дискурс – сиёсатни оммага етказиб беришда масъул шахслар томонидан зарур бўлган сиёсий билимлар йиғиндиси, потенциал ўлчовдас ўзлашув ва коммуникатив соҳага хизмат кўрсатишга қаратилган оғзаки ва ёзма белгилар, шунингдек, презентациялар ва матнларни тақдим қилишга бағишланган семиотик макон.

Сиёсий дискурснинг асосий омиллари 3та:

¹⁷ Бу борада қаранг: Арутюнова Н.Д. Дискурс // Лингв. энциклоп. словарь. – Москва: Сов. энцикл., 1990. – С. 136-137;

¹⁸ Умархўжаев М. “Қизил китоб”га тушмас туйғулар [Матн]: Комусий луғат – Тошкент: Академнашр, 2019. – Б.54.

¹⁹ Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри дисс.... автореф. – Т., 2001. – Б.14.

²⁰ Ухванова-Шмыгова И.Ф. Каузальный анализ политического текста // Методология исследования политического дискурса: Актуальные проблемы содержательного анализа общественно-политических текстов: сб. науч. трудов // Белгосуниверситет; под общ. ред. И.Ф. Ухвановой-Шмыговой. – Вып. 1. – Минск, 1998. – С. 45-52.



Шунингдек, дискурсни потенциал ҳажми минут қаракатларининг одатий белгиларива мулоқот турига хос нутқ жараёнларива жанрларихақида фикрларни ўзичига олади.

Боғловчи феълларнинг гапда предикативликни ифода қилиш компетенцияси ҳақида сўз юритилар экан, аввало, “предикативлик” тушунчасига эътибор қаратиш зарур. Гапнинг тил ва тафаккур ўртасидаги воситачилик ўрнини аниқлашда предикативлик (ёки предикация) тушунчаси бажарганидек, дунёдаги нарса ёки ҳодисалар ўртасидаги воситачилик вазифасини боғловчи феъллар бажаради ва у гап табиатининг барча сирларини очувчи калит вазифасини ўтайди.

Э.Бенвенист гапнинг қандай бир ҳолатда вужудга келиши, сўз бирлиги, ва умуман, сўз ҳамда гапнинг асосий фарқи нимада эканлигини изоҳлар экан: “Бу биринчи ўринда фақат гапгагина хос бўлган барча тил бирликларидан фарқловчи омил бўлган предикативликдир”²¹. Юқорида берилган фикрга кўпчилик қўшилади ва предикативлик ҳар доим ҳам гапнинг бўлаклари ҳамда аъзолари билан ўзаро предикатив алоқада намоён бўлавермайди, балки у гапга тўлиқ мос бўлиб, гапнинг бўлакларга бўлинишини талаб этмаслиги мумкин (Shutup! It is getting dark. etc). Бу каби гапларнинг грамматик тузилиши турлича бўлади. Шунга ўхшаш бўлакларга бўлинмайдиган гаплар фақатгина бир сўздан ёки экспрессив гапдан ташкил топиши мумкин. Ва яна айтиш мумкинки, Г.Г.Почепцов фикрича, “гапни юзага келтирадиган предикативликнинг маъноси ва вазифаси гап мазмунининг воқеликка алоқадорлигидадир”²². Ушбу фикр ҳам масалага бирорбир ойдинлик киритмайди, чунки бу ҳолатда гапнинг замон ва модаллик белгиларига асосланилмоқда ҳамда тегишли *verbum finitum*нинг формаси, шунингдек, гап яхлитлигининг асосини ташкил қилувчи грамматик воситалар мажмуига, яъни “бир қадар тугалланган фикр” гагина тегишлидир.

Л.Талми эса ушбу ҳолатни бошқабир қатор аспектлар доирасида кўриб чиқади. У бундай ҳолатга бутун предикацияни боғлайди ва “фикрни борлиққа боғланишининг ўзини предикация деб аташимиз мумкин бўлади ва нутқни гап формасида ифода этишда энг асосий ҳолат, қайсики гапни гап қилиб турган предикация ҳисобланади ёки фикр мазмунининг воқеликка алоқадорлигидадир”²³, дейди. Л.Талми фикрича, предикативлик гап мақомини белгиловчи унсурдир, воситасиз тугалланган фикрни ифодалаш мумкин эмас.

²¹ Бенвенист Э. Общая лингвистика. Пер. с франц. – Москва: Прогресс, 1974. – 447 с.

²² Почепцов Г.Г. Теория коммуникации. – Москва: Ваклер, 2003. – 277 с.

²³ Talmy L. The Relation of Grammar to Cognition / Talmy L. // Topics in Cognitive Linguistics. – Amsterdam: John Benjamins, 1988. – P. 165-205.

Ушбу ҳолат бўйича М.Я.Блох билдирган мулоҳаза ҳам анча ишонарлидир: «Воқеликка алоқадорлик маълум бир гапнинг эмас, балки бутун бир нутқнинг хусусиятидир»²⁴.

Тилшуносларнинг юқоридаги фикрларига таянган ҳолда, мазкур диссертацияда муҳокама қилинаётган асосий тушунчаларга қуйидаги таърифни ишлаб чиқдик:

Предикативлик гап мазмунининг борлиққа муносабати ифодаси бўлиб, у гап ёки ҳукмда грамматик шахс, замон ва модаллик категориялари ёрдамида ифодаланади.

Боғловчи феълларнинг мустақил сўз туркумлари категориясига ўтиш масаласи бу мустақил феъллар категорияси томонидан периферияни тўлиқ боғловчилар, яъни грамматик боғловчилик маъносини конкрет лексик маъноси билан бирга воқелантирувчи феълларга хос хусусиятидир.

Гапда, бир пайтнинг ўзида, динамик ва статик белгилар лисоний жиҳатдан воқеаланади: динамиклик ҳақидаги тасаввур феълли предикатлар «типик» қўлланиши билан боғланса, феълсиз предикатларнинг «типик» қўлланиши билан эса нарсалар статиклиги, барқарорлиги ҳақидаги тасаввур уйғонади²⁵. Шундай қилиб, боғловчи феълдаги ҳаракат ва боғлиқлик маънолари контаминациясиноён бўлади, улардаги сақланган лексик маъно барча феълларга хос акционал, процессуал, квалификатив, статал ва релятив маъноларни тақозо этади. Контаминация–нутқ оқимида икки лисоний бирлик таркибий элементларининг ўзаро ўхшашлиги, функционал ёки семантик яқинлиги асосида бирлашиши ҳисобланади²⁶.

Феъллар ўз воқеликларини номлаш сингари лексик функциясини боғловчилик грамматик функцияси билан бир пайтда гавдалантиради. Бундай функциядаги феълларнинг грамматикалашуви уларнинг отли синтактик курилмада ишлатилиши туфайли рўй беради.

Рангнинг пайдо бўлиши ёки кўринишини билдирувчи феъллар репрезентатив гуруҳни ташкил этади, уларнинг гапда боғловчи сифатида қўлланиши когнитив асоси функционал феълли боғлиқликка эга бўлган бирламчи ядро феълларидаги кабидир. Бизнинг когнитив тажрибамиз предметнинг рангига кўра тавсифлашни сезиш (кўриш жараёни) орқали қабул қилиш натижасида амалга оширилишини эътироф этиш имконини беради. Рангнинг пайдо бўлиши ёки кўринишини билдирувчи феъллар семантикаси ранг белгисини кўриш (кўз) орқали қабул қилишга ишора қилади ҳамда уларга боғловчи сифатида қўлланилаётганда белгини қабул қилиш манбасини (кўриш ҳис-туйғуларини) ихтисослаштириб, ўз маъносида предмет билан белги муносабати ҳақидаги лисоний билимни шу муносабат ҳақидаги нолисоний тажриба билан бирлаштиради.

²⁴Блох М.Я. Теоретическая грамматика английского языка. 5-ое изд. – М.: Высшая школа, 2007. – С. 132.

²⁵Булыгина Т.В. Языковая концептуализация мира (на материале русской грамматики) // Т.В. Булыгина, А.Д. Шмелев. – М.: Школа «Языки русской культуры», 1997. – 576 с.

²⁶Брутян Г.А. Очерк теории аргументации. – Ереван: Издательство АН Армении, 1992. – 303 с.

Куйидаги мисоллар тизимли лексик маъноси ранг белгисининг пайдо бўлиши ёки кўриниши маъносини ифодаловчи феълларга хос функционал боғловчилик маъносини воқелантириш имкониятидан далолат беради, масалан: *President Obama flushed fast when a journalist gave abusive question in the meeting* (“New York Times” газетаси, АҚШ, 2017 йил). *To talk of the prosperity of the country, do you not blush nearly crimson to make use of this word as applicable to this kingdom at a time...* (“The Guardian” газетаси, Буюк Британия, 2018 йил).

«Предметва унингтавсифи» пропозицияси воқелантирилганда боғловчилик вазифасини бажариши айрим хулқ-атвор феъллари томонидан ҳам намоён бўлади ва буни куйидаги мисолларда кўриш мумкин: *One of the members of Adolat party giggled silly at candidate’s words of another party* (“Uzbekistan Today” газетаси, 2019 йил). *Most people think some politicians act arrogant during the session* (“Uzbekistan Today” газетаси, 2018 йил). *Margaret Thatcher said that aggressors acted strange in the meeting* (“Guardian” газетаси, 2018 йил). Мазкур гапларда *act, giggle* каби хулқ-атвор англатувчи тўлиқ феъллар боғловчи сифатида ҳам қўлланиши кўриниб турибди. Бунда улар пропозиция субъектини унинг сифат (статик) белгиси билан боғлайди.

Комплемент билдирувчи ранг белгисини таққослаб келувчи боғловчи феълнинг лексик семантикаси ҳисобига субъект ҳолати ўзгаришини қабул қилиш кучаяди. Лексик маъносига кўра мазкур феъллар белгини субъект физиологик ҳолатининг ўзгариши натижаси сифатида алоҳида ифодалайди.

Бундай гапларда одатда ҳаракат эгаси субъект бўлиб келади, лекин аслини олганда, боғловчи феълларда диққат-эътибор шахсни тавсифлашга қаратилади, бу эса боғловчи феълнинг тўлиқ сақланиб қолувчи семантикаси билан боғлиқ бўлади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Боғловчи феълларнинг функционал-семантик хусусиятлари**» деб номланган бўлиб, мазкур бобда боғловчи феълларни функционал-семантик гуруҳлаш муаммоси ва ўрганилаётган тилларда боғловчи феълларнинг функционал-семантик хусусиятлари тадқиқ қилинади.

Тиллардаги мустақил маъноли феъллар ёрдамида боғланиш маъноси ифодаланишининг функционал характери феълли структурада боғлиқлик ҳодисасини динамик жиҳатдан ўрганишни тақозо этади. Шу жиҳатдан боғловчи феълларга Н.Н. Болдырев томонидан тақлиф этилган *функционал-семантик ёндашувни* қўллаш эҳтиёжи юзага келади²⁷. Бунинг моҳияти тил бирлигидаги маънонинг шаклланиш механизмларини унинг дискурда қўлланилаётган пайтида очиқ беришдан иборат.

Инглиз тилидаги боғловчи феълларнинг семантик типологияси (I) ва улар англатган маънодаги турғунлик даражасига кўра таснифи (II)

БОҒЛОВЧИ ФЕЪЛ

²⁷ Болдырев Н.Н. Функциональная категоризация английского глагола. СПб. – Тамбов: Изд-во РГПУ им. А.И. Герцена и ТГУ им. Г.Р. Державина, 1995. – С.139.

Инглиз тилидаги боғловчи феълларнинг семантик типологияси (I)	<i>Лексик маъносини бутунлай йўқотган (соф боғловчи феъллар)</i>	<i>Лексик маъносини қисман сақлаган феъллар</i>	<i>Лексик маъносини тўлиқ сақлаган феъллар</i>
	To be	To appear, to get, to grow, to continue, to feel, to keep, to look, to turn, to hold, to prove, to turn out, to rank, to remain, to run, to seem, to smell, to taste, to fall, to go.	To lie, to sit, to return, to leave, to come, to stand, to fall, to go
Инглиз тилидаги боғловчи феълларнинг англаган маъносидagi турғунлик даражасига кўра таснифи(II)	<i>Бирор бир сифатда бўлмоқ ёки ўша сифат ёки ҳолатни сақлаб қолишни билдирувчи боғловчи феъллар</i>	<i>Бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтишни билдирувчи боғловчи феъллар</i>	
	To be, to remain, to keep, to continue, to look, to smell, to stand, to sit, to shine, to seem, to prove, to appear...	To became, to get, to grow, to come, to go, to run, to turn, to make	

Синтактик “феълли боғланиш” концептини сиёсий дискурсда ифодалашга кодирлиги билан белгиланувчи тиллардаги лексик жиҳатдан тўлиқ феълларнинг копулятивлик грамматик категорияси билан функционал мутаносиблигиулар томонидан маълум лексик маънони дискурснинг коммуникатив ниятига кўра ифодалаш билан айна бир пайтда содир бўлади.

Боғловчи феъл лексик семантикасининг сиёсий дискурсда сақланиш даражаси бундай феъллар қатнашган жумла ёки гап мазмунига боғлиқ бўлиб, бу мазмунсўзловчи коммуникатив ниятига мос равишда шаклланишига таъсир кўрсатувчи когнитив ва лисоний омилларга боғлиқ ҳолда ўзгариб туради.

Айрим ҳолатларда боғловчи феълнинг лексик маъно ҳажми асосида грамматик маъно ўз ифодасини топишини ҳисобга олиб, соф функционал боғловчи феълнинг дискурс эҳтиёжларига кўра лексик-грамматик категоризациялашуви ҳақида сўз юритиш мумкин бўлади. Боғловчи феъллар функционал типологияси уларнинг дискурсда қўлланиш нуқтаи назаридан тўлиқ тил бирликлари сифатида контекстда маълум бир категориал маъно ифодалашини ҳам функционал-семантик ёндашув асосида тавсифлаш мумкин.

Белгининг предметга мансублигини тасвирловчи гапдабоғловчи феълсинтактик жиҳатдан объектпозициясини истисно этувчи ўтимсиз маънодаги бир валентли феълликонструкцияда ишлатилади. Объект деганда, яъни бирор бир ҳодисага йўналтирилган ёки маълум жиҳатдан шу воқеага киритилган ҳодисанинг элементи тушунилади. «Предмет ва унингтавсифи» деб номланган пропозицион структура воқеликнинг ягона иштирокчисини, яъни борлиқдаги ҳеч қайси объектларга ҳеч қандай таъсир ўтказмайдиган субъектни, аниқроғи, воқелик иштирокчиси, конституентни аниқлашни тақозо этади. Объектнинг йўқлигини когнитив жиҳатдан бундай асослаш ўтимсиз феълни от ва белги номлари ўртасидаги боғловчи сифатида қўллашни талаб этади, бундай феъл «гапдаги эгадан бошқа ҳеч қайси бўлакка боғланмайди, бундай боғланиш кўшимча ва иккинчи даражали бўлган ўтимли феълга нисбатан сифат билан осон боғланади».

Бу феъл лексик маъноси боғловчи вазифасини бажариши учун унинг сиёсий дискурс коммуникатив нияти талабидан келиб чиқиб грамматикалашувиимкониятинигина белгилайди. Боғловчи феълнинг Ю.Д.Апресян томонидан эътироф этилган уч хил (таснифловчи, локатив ва экзистенциал)маъно комбинациясини намоён эта олишини ҳисобга олган ҳолда,боғловчилик-копулятивлик маъносини, биринчи навбатда, ҳиссиёт, ғоялар, жой ва борликни ўзининг турли шакллари ифодаловчи семантикаси орқали феъллар томонидан англаниши мантиқан асосли деб ҳисоблаймиз. Борлиқ маъноси ҳаракатни «материянинг мавжудлик шакллари» сифатида талқин этувчи тушунчада ажралмасдир²⁸.

Шундай қилиб,воқеликдаги белгини аниқлашнинг манбаи сифатида хизмат қилувчи борлиқ, жой, айти пайтда, муайян бир белгига эга бўлган субъект ҳаракати каби компонентларга бўлинувчи феъллар (тадқиқ этилаётган тилларда) гап-жумладаги боғловчилик маъносини ифодалай олади.

Боғловчи феъл ўзи мустақил қўлланмайдиганотбилан бирикиб,ҳоким элементдан сўнг келиб, у билан биргаликда предикатив қурилма яшашга хизмат қиладиган бирликдир²⁹. У феъл бўлмаган сўзларга феъллик тусини беради.Маънонинг турли шакллари англатишга хизмат қилади: *замон, шахс-сон, майлкабиҳодисаларни ифодалайди. Масалан: демократлар (-дир* элементи қўлланилмаган) –*демократлар* эди ва бошқалар. Боғловчи феъл боғлама вазифасида қўлланилади.

Боғловчи феъл *эрур, эди, экан, эмиш ва эса* (тарихан: *эрди, эркан, эрмиш, эрса*) шакллари эга бўлиб, булар (аслида э) ўзагидан ҳосил бўлгандир. Бу ўзакнинг маъноси бугунги “бўл” феълнинг маъносига тўғри келади.

Масалан: *Биз можарони дипломатик йўл билан ҳал этиш тарафдоримиз, иттифоқчиларимиз эса сиёсий ечимдан кўра ҳарбий ҳаракатларни бошлашни афзал кўришмоқда...* (“Ўзбекистон овози” газетаси, 2019 йил) *...иттифоқчиларимиз бўлса....*

Боғловчи феъл ёрдами билан ясалган кўшма феълда, табиий, от қисми ўзгармайди, балки шу боғловчи феъл тусланади. Бунда икки ҳолат бор:

